

ХОРИЖ ПСИХОЛОГЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ҲАЁТИЙ СТРАТЕГИЯЛАРНИ ЎРГАНИШ

Ўлмасова Д.Х.

*Ўзбекистон журналистика ва коммуникациялар университети ўқитувчиси,
PhD*

Марупова Нилуфар Илхамовна

Самарқанд Зармед университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Сирожиддинова М.С., Махмуджонова М.Ф.

Самарқанд Зармед университети талабалари

Аннотация. Мақола хорижий олимлар тадқиқотларида ҳаёт стратегиялари тушунчалари кенг таҳлил қилинган. Ҳаёт стратегиялари тушунчалари – бу шахс ҳаётини барпо қилиш усуллари, турли инсонларда турли даражаларда намоён бўладиган жиҳатлар, фаоллик, маъсулиятлилик, ижод, мақсад қўйиш ва мақсадга эришиш, ирода ва бошқаларда намоён бўладиган индивидуалликни бирлаштириши таъкидланади.

Калит сўзлар: мотив, мотивация, мақсад, интилиш, эҳтиёж, идеал, муваффақият мотивацияси, мотивацион анъаналар.

Аннотация. В статье анализированы исследования зарубежных учёных в области понятий жизненной стратегии. Отмечается, что понятие стратегии жизни объединяет – методы создания жизни личности, различные их проявления, активность, цель, стремление, потребность, ответственность, воля и другая индивидуальная деятельность человека.

Ключевые слова: мотив, мотивация, цель, стремление, потребность, идеал, мотивация успеха, мотивационные традиции.

Abstract. The article analyzes the research of foreign scientists in the field of concepts of life strategy. It is noted that the concept of life strategy unites - methods of creating a person's life, their various manifestations, activity, purpose, aspiration, need, responsibility, will and other individual human activity.

Key words: Motive, motivation, goal, aspiration, need, ideal, success motivation, motivational traditions.

Хаётий стратегиялар одамзод ва жамият ҳақидаги бир қатор фанлар бўлмиш - психология, акмеология, жамиятшунослик, антропология маданияти, шунингдек фалсафа фанлари тадқиқотларининг бевосита ва билвосита мавзуси ҳисобланади. Лекин психология йўналишидаги илмий ва илмий оммабоп нашрларнинг ортиб боришига қарамасдан шахснинг хаётий стратегиялари муоммоларига тегишли ишлар унчалик кўп эмас. Замонавий талабга жавоб берадиган ва ўқувчи аудиториясини кенгайтирадиган бир қанча илмий материалларни интернет тармоғидаги сайтларидаги таҳрирларни таъкидлаш мумкин.

Шахснинг хаётий стратегиялари муаммолари замонавий тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилади. Фарб психологиясида фикр тадқиқотнинг илмий асоси сифатида шахснинг хаётий стратегияларини комплекс ўрганишига кенг маълумотларни тақдим этади. Шу қаторда э.Берн, А.Бандура, А.Маслоу, Т.Олпортнинг кашфиётлари алоҳида қийматга эга. Рубинштейн, Б.Г.Ананев, К.А.Абулханова-Славская, А.А.Кроник, Ю.М.Резник, э.И.Головоха, Р.Пехунин ва бошқа психологларимиз ўзларининг кўп ишларини шахснинг хаётий муаммоларини анализига бағишлашди. Уларнинг диққат марказида ҳаёт йулини танлашни ва қуришни ташкил қилиш, ҳаёт услуби ва образи, шахсий ҳаётни маданий юксалтириш уни амалга ошириш ва ижодий ҳаёт каби масалалар бўлган.

Б.Г.Ананев шахсни ижтимоий тараққиёт объекти сифатида кўриб чиқади ва ижтимоий вазият тараққиёти мавқеи, ҳаёт тимсоли ва бошқалар ҳақидаги унинг тараққиёт ҳолатидаги 8 детерменант системасига киритди ва танланган фаолиятнинг бошланишидан, бошланишни шахс тарбия тарихидан эришилган натижалари ва кулминатсиянинг боғлиқлигини кўрсатиб берган.

Бу фактларни Б.Г.Ананев асосан инсон танлаган фаолиятининг субъекти сифатида боғлайди, танлаган йўли билан эмас. Хаётий стратегияларни ўрганишда фанда энг ёритилган мавзу бу субъектнинг хаётий фаолияти ривожланиши билан боғлиқлигидир (С.Л.Рубинштейн, К.А.Абулханова-Славская ва б.) бунда асосий фастор бўлиб, шахснинг ўз ҳаётини ўзгартиришдаги ва ташкиллаштиришдаги фаоллиги ва ижодкорлиги ўйнайди. Аммо хаётий стратегияларнинг ўзи ва ривожланишнинг асосий томони инсоннинг ўз ҳаётинингқандай субъекти бўла олганлиги ҳисобланади. Хаётий стратегияларнинг тадқиқотида янги йўналишида мисол сифатида детерминант ва уни барпо қилиш аниқ қисман таълим ва карьера.

Илмий муаммоларнинг анализи (таҳлили) куйидаги асосий саволлар билан боғлиқ.

1. Шахнинг ҳаётий стратегияларини кенг ва тор тушунчада аниқланиши (карьер ва таълим).
2. Ҳаётий (шунингдек карьера ва таълимий) стратегиялар.
3. Профессional гуруҳ ёки алоҳида оммавий ҳаётий стратегиялар (ёшлар, давлат ёки ҳукумат одамлари ва ҳоказо)
4. Индивидуал шахс стратегияларнинг эмперик тадқиқот методлари ва методикалари.

Шахс ҳаётий стратегияларни аниқлашдаги муаммолар. Адабиётда бир хил тушунчага эга бўлган ёки маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган бир қанча турли тушунчалар бор. (ҳаёт сценарийси, ҳаёт ҳикояси, ҳаёт йўли, ҳаёт плани, ҳаёт тарзи, ҳаёт дастури, ҳаёт истиқболи ва ҳ.) бу билан боғлиқ таҳлил кўп томонламалиги,

Шахс ривожланишида ҳаётий стратегиялар билан бир қаторда унинг ҳаёт тарзини олиб бориши ҳам рол ўйнайди. (шакл, тартиб, ҳаёт стили), ҳаётий воқеларни англаш усуллари (ҳаётий позитсияси ва чизиғи) ҳаётини тасвирлаш усуллари (тарихи, биографияси) ва ҳаётни қуриш рамзий усуллари (ҳаёт режаси ва сценарийси).

“Ҳаёт стратегияси” тушунчасини ўрнига Э.И.Головоха “ҳаёт истиқболи” тушунчасини қўллайди ва уни охириги сўзи дағал эмас, ҳаётий йўл келажакини расмийлаштириш билан изоҳлайди. “Ҳаёт истиқболини таъкидлайди – у инсон ҳаётини индивидуал мазмун ва ижтимоий қиймат, мураккаб қарама-қарши алоқаларни ва кутилаётган ҳодисаларни дастурлаш билан боғланадиган бир бутун манзара сифатида кўриб чиқиш зарур”.

Ҳаёт стратегияси тушунчаси моҳияти асосчиси К.А.Абулханова-Славскаянинг “ҳаёт стратегияси” номли иши ҳисобланади. У барча замонавий ишлаб чиқишнинг асоси бўлиб хизмат қилди. Адиб ҳаёт стратегиясини шахснинг ҳаёт талабларига ўзининг индивидуал бириқиш қобилияти сифатида кўриб чиқади. Кенг маънода ҳаёт стратегияси (бошқа кўплаб ҳаёт тактикаларидан фарқли), дейди К.А.Абулханова-Славская, бу турли ҳаёт талабларда, шахснинг ҳаёт талабларига ва унинг тикланиб, ривожланишига индивидуал ёндашувидир.

Тор маънода эса бу ҳаётий зиддиятларни аниқ ҳаётий ечимини ишлаб чиқиб енгишдир. К.А.Абулханова-Славская ҳаётий стратегияларнинг 3та асосий белгисини ажратди: ҳаёт йўлини танлаш; “хоҳлайман-егаман” қарама-

қаршилигини ҳал қилиш ва шароит яратиш, ижодий изланиш ҳаёт давомида шахс муомала субъекти бўлади ва ниҳоят ўз ҳаётининг субъекти бўлади. Субъект позитсияси инсинга қўйилган мақсадга эришиш имконини беради, турли жабҳаларда имкониятларни интегратсия қилишга қилишга ёрдам беради.

Бошқа олимлар ҳам ўзларининг муаллифлик ишларида бу мавзунини изоҳлаб ўтишади: Л.С.Самсенко шундай дейди “ҳар бир шахсга ўзининг ажойиб ҳаёт йўли, уни ташкиллаштириш ва тушуниб етиш услуги ҳарактерлидир.

О.С.Василева ва Э.А.Домченко ҳаёт стратегияси деганда қуйидагиларни тушунишади, борлиқнинг шундай усулики, инсонга тасавуридаги мақсад ва қийматлар системасини амалга оширишга ва ўз ҳаётини самарали бўлишига ёрдам беради. Бошқача қилиб айтганда бу ўз ҳаётини бошқариш санъати, асосий мақсади ўзининг ажойиб моҳиятини қидириш ва амалга оширишда намоён бўлади”.

К.А.Абулханова-Славская турли стратегияларни барпо қилиш имконияти ҳақида, шахс маъсуляти ва унинг фаоллик даражасидаги мақсадларга эришишнинг турли усулларини синаб кўриш ҳақида гапирди.(Ҳаёти давомида инсон бирор нарсага маъсулятини ўзи танлайди). Ҳаёти давомида инсон нимага маъсул бўлишини ўзи танлайди. Шахснинг маъсулятини ўзига олишининг тўлиқ критериси шахс талаб ва истакларнинг мувофиқлашишигаҳизмат қилиши мумкин, натижада ишнинг амалга ошишида ташаббускорлик қилади. бу мавзунини такомиллаштириб туриб, О.С.Василева ва Э.А.Домченко тан олишадикки, ҳаёт стратегияларининг муҳим тавсифи бу маъсулятлик даражаси, ҳаётни тушунмаганлик даражаси, инсоннинг муносабати ва ҳиммат системасидир. лекин инсон ҳаётининг самарали стратегияларининг асосий кўрсаткичларининг психик саломатлиги ва ҳаётдан қониқишидир. Муаммоларни кўриб чиқишда муҳим ҳисобланган маъсулятлик мавзуси саволлар туғдиради, қайсики, шахс стратегияларитадқиқотларида субъектив назорат даражаси характеристикаси ҳисобга олиш зарурати билан боғлиқдир. Бунга кўра инсон шахсий фаолиятида ўзини қай даражада фаол субъект ҳисоблашини ва қай даражада ташқи шароит ва бошқа одамларнинг таъсирини пассив объект ҳисоблашини муҳокама қилса бўлади; шахснинг ҳаёт мазмуни ва иш кўриш ҳиммати, ҳаётий кучлар, ирода хусусиятлари ва шахсий кучлар ва ҳ.

Инсоннинг имкониятларини рўёбга чиқишга ундайдиган кучлар, стратегис мақсадларни рўёбга чиқиши кўпгина илмий концепсияларда кинтекстда шахснинг ижодий потенциалининг очилиши сифатида кўриб чиқилади.

К.А.Абулханова-Славская шахс ҳаётини ташкиллаштиришда индивидуал типологик мавжудликни аниқлади. Ҳаёт стратегияларининг детерминант бўлиб кейинги эмперик ва назарий тадқиқотнинг муҳим тезиси бу куйидаги фактни тушуниншдир, яъни ўз фаоллигини объектга йўналтирган субъект, объектсиз йўқдир.Ҳаётнинг индивидуал услубнинг таҳлили субъект-объектнинг ўзаро муносабатини ўрганишдан иборат бўлади ва ўз ичига мақсад қўйиш этапларини олади.

Шундай қилиб кўп тадқиқотчилар ҳаёт стратегиялари тушунчаларини бирлаштиради – бу шахс ҳаётини барпо қилиш усуллари, турли инсонларда турли даражаларда намоён бўладиган жиҳатлар, фаоллик, маъсулятлилиқ, ижод, мақсад қўйиш ва мақсадга эришиш, ирода ва бошқаларда намоён бўладиган индивидуаллик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Божович Л.И. Проблемы формирования личности. – М.: Просвещение, 1995. – 352с.
2. Марупова Н.И. СТАНОВЛЕНИЕ НАУЧНОГО МЫШЛЕНИЯ МАГИСТРАНТОВ/ Марупова Н.И., С.С. Шадиев //JOURNAL OF SCIENCE-INNOVATIVE RESEARCH IN UZBEKISTAN volume 3, issue 01, 2025. Yauary 3(1), 494-504. <https://universalpublishings.com/index.php/jsiru/article/view/9728>
3. Marupova N.I. THE FORMATION OF SCIENTIFIC THINKING OF GRADUATE STUDENTS/ Marupova Nilufar Ilkhamovna, & Shadiev Sadulla Samekhjanovich. // THE FORMATION OF SCIENTIFIC THINKING OF GRADUATE STUDENTS. Multidisciplinary Journal of Science and Technology, 2025. 5(2), 152–158. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14844891>
<https://mjstjournal.com/index.php/mjst/article/view/2588>
4. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. - СПб.: Питер, 2002